

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНТВЕРПЕН УНИВЕРСИТЕТИ (БЕЛЬГИЯ)
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВ УМЕДЖОН БОЙМАМАТОВИЧ

**УГЛЕРОД НАНОСТРУКТУРАЛАРИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР ДАРАЖАДАГИ СЕЛЕКТИВ СИНТЕЗИ**

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

**Халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳамда
импакт-фактори 1,0 ва ундан юқори бўлган илмий журналларда
чоп этилган мақолалар асосида диссертация химоясиз
физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
илмий даражасини олиш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

(2013 йилда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси тасдиқланган)

ТОШКЕНТ – АНТВЕРПЕН - 2020

Тақдимнома мундарижаси

Contents of the presentation

Оглавление презентации

Халилов Умеджон Боймаматович

Углерод наноструктураларининг молекуляр даражадаги селектив синтези... 3

Khalilov Umedjon Boymamatovich

Selective synthesis of carbon nanostructures at the molecular level 42

Халилов Умеджон Боймаматович

Селективный синтез углеродных наноструктур на молекулярном уровне77

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 83

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНТВЕРПЕН УНИВЕРСИТЕТИ (БЕЛЬГИЯ)
ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ХАЛИЛОВ УМЕДЖОН БОЙМАМАТОВИЧ

**УГЛЕРОД НАНОСТРУКТУРАЛАРИНИНГ
МОЛЕКУЛЯР ДАРАЖАДАГИ СЕЛЕКТИВ СИНТЕЗИ**

01.04.03 – Молекуляр физика ва иссиқлик физикаси

**Халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳамда
импакт-фактори 1,0 ва ундан юқори бўлган илмий журналларда
чоп этилган мақолалар асосида диссертация химоясиз
физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc)
илмий даражасини олиш бўйича
ТАҚДИМНОМА**

(2013 йилда фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси тасдиқланган)

ТОШКЕНТ – АНТВЕРПЕН – 2020

Тадқиқот (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/FM159 рақам билан рўйхатга олинган.

Иш Антверпен университетида ва Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахрамов Сагдулла Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги


Қутлиев Учқун Отабоевич
физика-математика фанлари доктори


Ясуши Шибута
профессор
Токио Университети (Япония)


Етакчи ташкилот:

ЎЗРФА ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Тақдимнома Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли илмий кенгашининг 2020 йил « 02 » 12 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).


Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
техника фанлари доктори, профессор


И.Дж. Ядгаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби
физика-математика фанлари доктори


Б.Е. Умирзаков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
физика-математика фанлари доктори, профессор



КИРИШ (тақдимнома аннотацияси)

Мавзунинг зарурати ва долзарблиги. Конденсатланган ҳолат физикаси ва материалшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири ноёб хусусиятларга эга янги углерод наноматериалларини ишлаб чиқиш ва шунингдек улар синтезининг бошқариш йўллари топишдир. Чунки экспериментал равишда ўрганилган углерод наноматериалларининг физик-кимёвий хусусиятлари, хусусан, мукамал механик мустаҳкамлиги, юқори иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги, хона ҳароратидаги баллистик квант ўтказувчанлиги дунё бўйлаб уларни тижоратлаштириш бўйича қизиқишни сезиларли даражада оширди.

Жаҳонда бундай ноёб хусусиятларга эга бўлган углерод наноструктураларидан иборат наноқурилмаларнинг анъанавий кремнийга асосланган микроқурилма ва асбобларга асосий муқобил сифатида қаралаётганлиги сабабли ушбу структураларнинг молекуляр даражадаги селектив синтези бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Экспериментал усуллар ушбу структуралар шаклланиши пайтида содир бўладиган турли хил жараёнлар, шу жумладан нуклеация, катализ, адсорбция, фазавий ўтиш ва бошқа жараёнлар табиати тўғрисида кўпгина зарур маълумотларни берсада, ушбу усул орқали наносекунд вақт шкаласидаги синтез босқичларининг муҳим оралиқ жараёнлари ҳақида маълумот олиш имконияти чекланган. Шунинг учун ҳозирги вақтда материаллар наноструктураси ва уларнинг синтезини ўрганиш учун экспериментал усуллар билан бир қаторда компьютерда моделлаштириш усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Наноўлчамдаги структуралар синтези жараёнларини компьютерда моделлаштириш наноструктуралар пайдо бўлиши ва ўсишидаги ноодатий жараёнларнинг моҳиятини батафсил тушуниш учун етарлича кенг қўлланилади. Хусусан, компьютерда моделлаштириш натижасида графен ва углерод наноайча (УНН) лар каби баъзи углерод наноструктуралари (УНС) ни шакллантириш мезонлари аниқланди. Умуман, моделлаштириш усуллари кўпгина экспериментал кузатувларни муваффақиятли изоҳлаган ва уларнинг синтез механизмларини аниқлаштирган бўлса ҳам, селектив синтезни бошқариш соҳасида эксперимент ва компьютерда моделлаштириш ўртасида бўшлиқ сезиларли даражада сақланиб қолмоқда. Бу бўшлиқни қисқартириш мақсадида ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина етакчи илмий гуруҳлари мавзуга тегишли кўпгина долзарб масалаларда, жумладан, углерод наноайчалари, графен тасмалари ва карбин каби углерод наноструктураларини муваффақиятли танлаб синтез қилишда эксперимент ва моделлаштириш бўйича ҳамкорликка таяниб иш кўришмоқда.

Ўзбекистон Республикасида материалшунослик, электроника ва молекуляр физика соҳаларида бу каби ҳамкорликка асосланган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилган бўлсада, наноструктураларини танлаб синтез қилиш бўйича бу ишлар ҳали ўзининг бошланғич нуқтасида. Шундан келиб чиққан ҳолда нанозарралар физикаси ва кимёси ҳамда физик-кимёвий

жараёнларни компьютерда моделлаштириш каби ёш ва истиқболли йўналишларда илмий-тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, нанотехнологияга асосланган эртанги кун асбобсозлигининг асосий вазифаларидан бири бўлган турли хил углерод наноструктуралар синтезини бошқариш бўйича билимларимизни ривожлантириш ва олган тажрибаларимизни ёш авлодларимизга етказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу каби фундаментал тадқиқотлар мамлакатимиз илм-фанининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг Ф.2. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» III. Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликнинг ривожлантиришни устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жаҳонда углерод наноструктураларининг синтези бўйича тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан Райс университети, Массачусетс Технология институти ва Техас A&M университети (АҚШ), Кембриж университети ва Манчестер университети (Буюк Британия), Токио университети, AIST, Васеда университети ва Тоҳоку университети (Япония), CNRS (Франция), Аалто Фанлар Мактаби университети (Финляндия), Пекин университети (Хитой), CSIRO (Австралия), Карлсруе Технология институти (Германия), Леувен Католик университети (Бельгия), Вена университети (Австрия), Нанянг Технология университети (Сингапур), Сколково фан ва технология институти (Россия)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда углерод наноструктураларининг синтези бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар бўйича, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: маълум хиралликли бир қаватли УНН (БҚНН) ларининг ўсишини бошқариш, селектив ўстириш учун катализатор дизайни, нишона молекулалар орқали БҚНН ўстириш, БҚНН ўсишини компьютерда моделлаштириш, тагликка боғланган БҚНН синтези, вертикал тартибланган БҚНН лар, углеродли газ кимёсининг таъсири, графеннинг ўсиш механизми, юқори

¹ Докторлик иши тақдимоти мавзусига тегишли халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидагиларга асосланган: R. Rao et al. ACS Nano 2018, 12, 11756; H. Shinohara Jpn. J. Appl. Phys. 2018, 57 020101; A. C. Ferrari et al. Nanoscale, 2015, 7, 4598.

даражали металлофуллерен, метал-наносим ва графен нанотасмали пиподлар синтези ва бошқалар.

Жаҳонда углерод наноструктураларининг синтези бўйича, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: наноайчалар ва бошқа икки ўлчовли материалларни синтез қилиш ва уларни қайта ишлаш, олмос ва олмосга тегишли материаллар синтези, УНН ичида янги хусусиятли углерод наноструктуралар синтези, плазма ёрдамида нанозарралар ҳосил бўлишини бошқариш ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Углерод наноструктурасининг хоссаси унинг геометрик тузилишига боғлиқ. Бироқ, наносонияларда юз берадиган ҳамда экспериментал кузатиш қийин бўлган оралик жараёнларни ўрганиш қисман чекланганлиги туфайли бу структураларни ҳосил қилиш устидан аниқ назорат ҳали ҳам тўлиқ ўрнатилмади. Шу сабабли, турли хил эффектлар ҳақида атрофлича маълумот олиш учун турли ҳисоблаш усуллари қўлланилди ва буларнинг барчаси экспериментал кузатувларни таҳлил қилишга ва тушунтиришга ёрдам берди. Айниқса, F. Ding, B. Yakobson ва бошқа олимлар томонидан таклиф қилинган дислокация назарияси ҳамда Y. Magnin, C. Vichara, H. Amara ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган БҚНН ўсишининг термодинамик модели хираллиги бошқариладиган наноай ўсиши ҳақидаги билимларимизни сезиларли даражада яхшилади. Лекин, ўсиш манзарасининг углеродли газга боғлиқлиги ҳали ҳам аниқ эмас. Тажрибаларнинг аксарияти УНН ўсишида углеводород молекуласидан фойдаланишига қарамай, аксарият моделлаштириш ишларида углерод қатнашмаган газлар (яъни, H_2 , H_2O ва бошқалар) нинг жараёнга таъсири камроқ ёки умуман йўқ, деб ҳисоблаб, фақат углерод атомини углеродли газ сифатида фойдаланилган. Шунинг учун, ишнинг иккинчи бўлимида, углеродли газ эффектнинг УНН ни танлаб ўстиришдаги аниқ ролини ўрганиш натижалари келтирилган.

Селектив тарзда кимёвий йўқотиш муқобил вариант сифатида маълум хиралликли углерод наноайчаларини олиш имконини беради. Умуман олганда, анъанавий УНН плёнкасида тахминан 2/3 яримўтказгич БҚНН ва 1/3 металл БҚНН лар мавжуд бўлади. Плазма ёрдамида кимёвий йўқотиш металл найчаларнинг яримўтказгичли найчалардан ажратиб олиш имкониятини намоёйиш этди. Хусусан, G. Zhang, H. Dai ва ҳамкасблари яримўтказгичли наноайчаларнинг аввалги шаклини деярли сақлаган ҳолда, CH_4 плазмаси ёрдамида металл наноайчаларни танлаб йўқотиш йўлини тақдим этишди. Бошқа томондан, A. R. Narutyunyan, D. Zakharov ва ҳамкасблари металл ўтказувчанликли БҚНН ларнинг танлаб ўстиришни кўрсатди. Лекин, муҳим экспериментал ютуқларга қарамай, селективликнинг сабабини тушуниш ва йўқотишнинг илк қадамида ётган наноўлчамдаги механизмларни тушуниш ҳанузгача қийин бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, ушбу муаммо ишнинг учинчи қисмида ўрганилган.

Маълум геометрияга эга бўлган наноструктуралар олишнинг яна бир усули уларнинг эндоэдрал синтези ҳисобланади. Хусусан, углерод

наноайчаси ичида безарар ушлаб туриш (чегаралаш) имконияти янги қўлланмаларни тадбиқ этишни, масалан, бошқариладиган хусусиятларга эга янги углерод наноструктураларини ўсишини таъминлайди. Дарҳақиқат, C₆₀@БҚНН деб номланган углерод пиподлари (яъни, БҚНН капсуласидаги C₆₀ фуллеренлари) нинг (Н. Shinohara ва бошқа олимлар томонидан) экспериментал синтези наноўлчамдаги бўш контейнер ичидаги янги физика ва кимёни кенг миқёсда ўрганишни бошлаб берди. Турли хил капсулаланган углерод наноструктуралари ушбу усулдан фойдаланиб муваффақиятли синтез қилинаётган бўлсада, катализатор ва углеродли газнинг синергетик (коллектив) ролини тушуниш ҳали ҳам қийинлигича қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, ишнинг тўртинчи бўлимида уларнинг УНС эндоэдрал синтезини бошқаришдаги қўшма таъсири (эффекти) муҳокама қилинган.

Катализатор ва унинг таглигини танлаш селектив углерод наноструктураларининг синтезини самарали бошқариш учун ҳам муҳимдир. Хусусан, уларни моҳирлик билан танлаш орқали маълум хиралликли УННларни селектив ўстирилиши кўрсатиб келинмоқда. Аммо, ҳозиргача плазма орқали катализатор наноэдралари ҳосил бўлиш жараёнининг табиати ҳамда уларнинг аниқ роли ҳақида маълумотлар йук. Шунинг учун, ишнинг бешинчи бўлимида ушбу муаммолар ўрганилган.

Тадқиқот мавзусининг илмий иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Антверпен Университетининг (Бельгия) PLASMANТ гуруҳи илмий ишлари режасига мувофиқ ва Фландрия илмий тадқиқот фонди томонидан молиялаштирилган куйидаги постдокторлик тадқиқот лойиҳалари доирасида олиб борилган: №12M1315N “Олтин катализатори ёрдамида углерод наноайчаларининг атомар даражада ўсишини компьютерда моделлаштириш” (2014-2017 йиллар, Антверпен университети, Бельгия) ва №12M1318N “Углерод наноструктураси ўсишининг узок вақт динамикаси” (2017-2020 йиллар, Антверпен университети, Бельгия) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маълум хусусиятларга эга бўлган янги углерод наноструктураларининг селектив синтезини молекуляр даражада бошқариш механизмларини илғор моделлаштириш усуллари ёрдамида аниқлаш ва шу орқали структура эҳтимолий бошқаруви усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

углерод наноайчалари ўсишининг илк босқичларидаги асосий механизмларини тушуниш, хусусан УНН нинг селектив ўсишида углерод газининг ролини тадқиқ этиш;

углерод наноайчаларини кимёвий йўқотишнинг асосий механизмларини ўрганиш, хусусан, мурғак углерод наноайчаларини плазма ёрдамида йўқ қилишни тушуниш. Шунингдек, УНН ларни селектив йўқотишнинг илк қадамини аниқлаш;

углерод наноайчаси ичидаги эҳтимолий углерод наноструктуралари синтезининг наноўлчамдаги механизмларини ўрганиш, ушбу углерод

наноструктураларининг селектив ўсишида катализатор ва углеродли газнинг коллектив ролини ўрганиш;

плазма муҳитида никел (Ni) ва олтин (Au) (катализатор) нанозарралари ҳосил бўлишининг атом даражасидаги механизмларини тадқиқ этиш;

катализатор тағлигини олиш учун кремний (Si) нанооксидлаш жараёнининг микроскопик механизмларини аниқлаш;

олинган янги углерод наноструктураларининг электрон ва механик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ni (ёки Au) катализатор нанозарралари, C_xH_y ва $C_xH_yO_z$ молекулалари сингари углеродли газлар, H_2 ва O_2 молекулалари ёки H ва OH радикаллари, Al, Si ва SiO_2 сиртлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги углерод наноструктураларининг бошқариладиган селектив синтези пайтида содир бўладиган жараёнлар (шу жумладан, оралик жараёнлар) ва ҳодисалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда реактив молекуляр динамика (MD) ва гибрид молекуляр динамика/Монте Карло (MD/tfMC) моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор уч хил углерод таъминотчилари, яъни катализатор сиртдаги углерод, диффузияланган углерод ва газ муҳитидаги (илгарироқ сиртдан йўқотилган) углеродларнинг ҳосил бўлиши углеродли газнинг турига боғлиқлиги кўрсатиб берилган;

биринчи бор системанинг водородсизланиш даражаси (k-коэффициент) УНН ўсишининг илк босқичидаги оралик босқичларини ажратишга имкон бериши кўрсатилган;

параллел углерод нанодеворларининг пайдо бўлиши экспериментал равишда тахмин этилган кўп қаватли УНН (КҚНН) лар ўсишининг илк қадамини тушунтира олиши кўрсатилган;

кислородни тозалаш эффекти туфайли қаватлари (деворлари) кам бўлган УНН лар ўсиш эҳтимоллиги экспериментнинг жумбокли (тушуниш қийин бўлган) натижаларини тушуниш имконини бериши кўрсатилган;

илк бор найча диаметрини (яъни, БҚНН кенгайиши ёки торайиши) углерод таъминотчиларининг қўшилиш суръатига тескари боғлиқлиги бошқа моделлаштириш усулларида асосланган тадқиқотлар натижаларига муқобил равишда экспериментал далилларни (кузатишларни) тушунтириб бериши аниқланган;

биринчи бор БҚНН қопқоғи бутунлай кимёвий йўқотилишдан олдин кетма-кет равишда углерод қафасига (фуллеренга), углерод наноқатламига (графенга) ва полиин занжирларига (карбинга) айланиши аниқланган;

илк марта H_2 -плазма орқали БҚННни йўқотиш эҳтимоллиги γ -бурчакка, яъни орто HC-CN боғ ва хираллик вектори орасидаги бурчакка боғлиқлиги аниқланган;

БҚНН ичидаги наноайча ёки графеннинг селектив ўсиши мос равишда занжир-ҳалқа-қопқоқ ўзгаришининг тезлиги билан белгиланиши аниқланган;

илк бор Ni билан тугалланган карбиндаги тақиқланган зона кенглигини занжир бўйлаб H концентрациясини бошқариш орқали ўзгартириш мумкинлиги аниқланган;

БҚНН ичидаги металл (катализатор) нанозарраларини оксидлаш орқали йўқотиш натижасида углерод наноструктураларининг барқарорлиги ошиши аниқланган;

биринчи марта катализатор нанозарраларининг водородланиши H₂-плазма муҳида уларнинг ҳажмини сақлаб туришига олиб келиши кўрсатилган;

биринчи марта оксидловчининг энергиясини, ўсиш ҳарорати ва сирт эгрилигини аниқ ўзгартириш орқали *a*-SiO₂ (катализатор таглиги сифатида) нинг ултраюпқа қалинлигини бошқариш мумкинлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

салмоқли экспериментал натижаларни/кузатувларни чуқур талқин қилиш ва шу орқали янги углерод наноструктураларининг бошқариладиган селектив синтезини такомиллаштириш учун гибрид MD/tfMC моделлаштириш усули ишлаб чиқилган;

илк бор янги углерод наноматериалларининг селектив синтезини бошқаришда катализатор ва углеродли газнинг синергетик эффектнинг юқори потенциали намоён этилган;

селектив синтез билан боғлиқ экспериментларни янада такомиллаштириш мақсадида компьютерда моделлаштириш асосидаги башоратларни эътиборга олиб ҳисоблаш натижаларини талқин қилишнинг мумкин бўлган усуллари тақдим этилган;

олинган моделлаштириш натижаларини чуқур таҳлил қилиш мақсадида турли хил анализ усуллари, жумладан DFT методи ва янги яратилган дастурлар ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг илғор замонавий моделлаштириш усуллари қўллаш ёрдамида олинганлиги, шунингдек, адекват модел тизимлари ва ҳисоблаш алгоритмларининг ишлатилганлиги ҳамда олинган натижалар экспериментал натижалар билан мувофиқлиги билан исботини топган. Бундан ташқари, докторлик иши натижаларини ўзида мужассам қилган мақолалар қатор юқори импакт фактор (ИФ) ли журналларда чоп этилган ва етакчи экспертлар томонидан тақриз қилинган. Докторлик ишининг натижалари ушбу соҳада нуфузли *Accounts of Chemical Research* (ИФ = 21,661) журнаliga нашр этишга тақлиф қилиниши тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пикосекунддан секундгача бўлган синтез жараёнларини тўғридан-тўғри тажриба ҳамда мавжуд моделлаштириш усуллари билан кузатиш қийин бўлган оралиқ наноўлчам механизмлари ва синергетик эффектларини батафсил таҳлил қилиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти моделлаштириш ва тажрибалар орасидаги бўшлиқни камайтириш орқали наноструктураларни селектив синтезини бошқаришда назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини уйғунлаштириш; исталган хусусиятларга эга бўлган наноструктураларни бошқариладиган синтези ҳақидаги билимларимизни кенгайтириш ва шу орқали эртанги кун нанотехнологияси учун янги авлод материалларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Углерод наноструктураларининг молекуляр даражадаги селектив синтези бўйича олинган илмий натижалар Web of Science илмий маълумотлар базасига кирувчи юқори ИФ ли журналларда чоп этилган 130 илмий ишларнинг тажриба ва ҳисоблаш натижаларини шарҳлаш ёки тавсифлаш, шунингдек таҳлилий ишларда иқтибос келтириш орқали жорий қилинган, жумладан:

углеводородлар ёрдамида углерод наноайчаларини ўсиши, вертикал графен қатламининг пайдо бўлиши, водородлаш эффекти ва углеродли газга боғлиқ бўлган УНН ни ўсишининг илк босқичларидаги бошқа молекуляр далиллари (яъни, тадқиқотнинг 1, 2, 3, 4 ва 5 илмий янгиликлари) [*Chem. Rev.* 2020; 120: 2693 (ИФ=54,301), *Mater. Today* 2018; 21: 845 (ИФ=24,372), *ACS Nano* 2018; 12: 11756 (ИФ=13,903), *J. Catal.* 2017; 349: 149 (ИФ=7,723), *Carbon* 2016; 107: 171 (ИФ=7,466) ва *J. Phys. Chem. Lett.* 2015; 6: 2232 (ИФ=7,329)] мақолаларда берилган натижаларни талқин қилиш ва тавсифлашда ишлатилган;

плазма ёрдамида УНН ларнинг ўсиши ва йўқотилиши ҳамда углерод қатнашмаган газларнинг УНН ларнинг селектив синтезига таъсири (яъни, тадқиқотнинг 6, 7, 8 ва 9 илмий янгиликлари) [*Mater. Horiz.* 2018; 5: 765 (ИФ=14,356), *Chem. Sci.* 2017; 8: 7160 (ИФ=9,556), *Carbon* 2018; 137: 527 (ИФ=7,466) ва *Int. J. Hydrog. Energy* 2020; 45: 15302 (ИФ=4,084)] мақолаларда таҳлил қилинган ва кўриб чиқилган;

катализатор (метал) нанозаррачалари ва нанооксидлаш ёрдамида катализатор учун таглик материалларини ҳосил бўлиши билан боғлиқ натижалар (яъни, тадқиқотнинг 10, 11 ва 12 илмий янгиликлари) [*ACS Nano* 2019; 13: 3005 (ИФ=13,903), *Phys. Rev. Lett.* 2017; 118: 1 (ИФ=9,227), *Sol. Energy Mater. Sol. Cells* 2020; 208: 1 (ИФ=6,019), *Appl. Surf. Sci.* 2020; 505: 1 (ИФ=5,155), *Fuel* 2017; 210: 1 (ИФ=5,128), *J. Phys. Chem. C* 2020; 124: 1932 (ИФ=4,309), *Cryst. Growth Des.* 2015; 15: 3105 (ИФ=4,153), *Phys. Rev. B* 2019; 100: 1 (ИФ=3,736), *Plasma Process. Polym.* 2017; 14: 1 (ИФ=3,173); *J. Phys. D: Appl. Phys.* 2018; 51: 1 (ИФ=2,829), *J. Appl. Phys.* 2014; 116: 1 (ИФ=2,328) ва *J. Nanomater.* 2016; 2016: 1 (ИФ=2,233)] мақолаларда кенг муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олинган тадқиқот натижалари 23 та нуфузли халқаро конференция, симпозиум ва семинарларда таклиф этилган маърузалар, оғзаки ва кўргазма тақдимотлар сифатида тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Хусусан, қуйидаги халқаро конференция/семинарда таклиф қилинган маърузалар ва (оғзаки) тақдимотлар билан иштирок этилган: Ҳисоблаш физикаси бўйича 9-халқаро конференция, 2015 йил 7-11 январ, Сингапур Миллий университети; Энергия материаллари ва нанотехнология бўйича Хорватия йиғилиши, 2016 йил 4-7 май, Дубровник, Хорватия; Плазма физикаси бўйича 7-халқаро семинар ва ёзги мактаб, 2016 йил 26 июн - 02 июл, Китен, Болгария; Энергия материаллари ва нанотехнология бўйича Греция учрашуви, 2018 йил 14-18 май, Ираклион-Крит, Греция; Фан ва муҳандисликда ҳисоблаш усуллари бўйича халқаро конференцияси, 2019 йил 1-5 май, Родос, Греция; Халқаро физикавий кимё симпозиуми, 2015 йил 5-10 июл, Антверпен, Бельгия; Олмос ва углерод материаллари бўйича 28-халқаро конференция, 2017 йил 3-7 сентябр, Готенбург, Швеция. Бошқа қилинган кўргазмалар қаторида, таклиф этилган кўргазмалари икки марта (2015 ва 2017) БҚНН синтези соҳасидаги дунёнинг етакчи мутахассисларини бирлаштирган "Гвадалупе семинарида" намойиш этилган. Бундан ташқари, тақдимотлардан бири 2012 йил 24-29 июн кунлари Санта Фе (Нью-Мексико, АҚШ) да бўлиб ўтган "Қаттиқ жисмлардаги радиацион эффектларни компьютерда моделлаштириши" бўйича халқаро конференциясида 51 та қилинган тақдимотлар орасида фахрли иккинчи даражали ёрлик билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Докторлик тадқиқотлари натижалари бўйича жами 37 та илмий иш нашр қилинган, жумладан 13 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган рўйхатидаги 43-тизим, яъни Web of Science халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳорижий илмий журналларида нашр этилган. Web of Science халқаро илмий маълумотлар базасига киритилган ҳорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар фақат мазкур тақдимномада фойдаланилган.

Тақдимноманинг тузилиши ва ҳажми. Тақдимноманинг таркиби кириш, бешта бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тақдимноманинг ҳажми 87 бетни ташкил этади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Ушбу тадқиқот олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган янги углерод наноструктураларининг селектив синтезини молекуляр даражада бошқарилиш механизмларини аниқлаш ва шу орқали структура бошқаруви усулини ишлаб чиқишни замонавий моделлаштириш усуллари орқали ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг **биринчи қисми** моделлаштириш усуллари ҳақида. Молекуляр динамика (MD) га асосланган моделлаштиришларда системадаги атомлар Нютоннинг ҳаракат тенгламалари орқали, фазо ва вақт бўйича кузатилади. Атомларни ҳаракатга келтирувчи кучлар барча атомлараро ўзаро

таъсирларни тавсифловчи куч майдонининг (ёки потенциалининг) манфий градиенти сифатида ҳисобланади. Бу моделлаштиришларда, асосан, ReaxFF потенциали реактив куч майдони сифатида ишлатилган. ReaxFF боғланиш даражаси ва боғланиш масофаси орасидаги боғлиқликдан фойдаланади. Системанинг умумий энергияси бир неча хусусий энергиялар, хусусан, боғланиш энергияси, ёлғиз электрон жуфтликлар энергияси, паст ва юқори координация энергиялари, валент ва бурилиш бурчаклар энергиялари, конъюгация энергияси, водород боғланиш энергияси, шунингдек ван дер Ваалс ва Кулон ўзаро таъсири энергиялари йиғиндисидан иборатдир. Геометрия ва боғланишга асосланган заряд тақсимооти электронманфийликни тенглаштириш усули (EEM) ёрдамида ҳисобланади. ReaxFF параметрлари реакция энергиялари, реакция барерлари ва конфигурациялар энергиясига, шунингдек геометрик ва структуравий маълумотлар учун ҳам экспериментал, ҳам квант механик ҳисоблашларга нисбатан оптималлаштирилди. ReaxFF-MD моделлаштиришлари одатда квант-механик ҳисоблаш аниқлигига тенглаштириладиган боғланиш диссоциацияси ва шаклланиш жараёнларини тўғри тасвирлашини намоён этди. Шунинг учун ReaxFF потенциали нафақат ковалент алоқаларни, балки ион алоқаларни ҳамда бутун оралиқ ўзаро таъсирларни тавсифлашни ҳам кўрсатди.

1-жадвал. ReaxFF нинг баъзи натижаларини бошқа моделлаштириш ва эксперимент натижалари билан солиштириш.

| | ReaxFF | | Бошқа моделлаштириш натижалари | Эксперимент натижалари |
|----------------------------------------------|----------------------------------------|-------------------|--------------------------------|------------------------|
| | Zou | Mueller | | |
| $E_{\text{ког}}(\text{Ni}), \text{eV}$ | -4,45 | -4,50 | -4,42 | -4,44 |
| $\Delta H(\text{C}), \text{eV}$ | 0,62 ^a 0,29 ^b | 0,78 ^a | 0,20-0,36 0,40 | 0,43 |
| $V^{\text{F}}(\text{Ni}_x\text{C})/\Omega_0$ | 0,78 ^a | 0,68 ^a | 0,64-0,8 | - |
| $E_{\text{дес}}(\text{H}_2), \text{eV}$ | 1,22 | 1,66 | 0,42-1,19 ^c | 1,0-1,3 ^d |

^a Ni₈₆₄C учун ^b Ni₅₅C учун ^c Ni(100), Ni(110) and Ni(111) учун ^d T>500 K ҳолат учун

ReaxFF потенциалида Zou ва бошқалар томонидан тавсия этилган янги параметрлар компьютер моделлаштиришларида боғ узилиш ва ҳосил бўлиши жараёнларини, жумладан, C-C боғнинг узилиши, H₂ ёки H₂O ҳосил бўлиши ва бошқа реакцияларни аниқроқ тасвирлаш учун қўлланилди. Янги таклиф этилган параметрларни ишончлилигини текшириш мақсадида, бу параметрлар асосидаги синов моделлаштириш натижалари (ReaxFF-Zou) бу потенциалнинг Mueller ва бошқалар томонидан таклиф этилган параметрлари (ReaxFF-Mueller) асосидаги моделлаштириш натижалари, ҳамда бошқа

моделлаштириш ва эксперимент натижалари билан *1-жадвалда* кўрсатилганидек солиштирилди. Жумладан, никелнинг когезив энергияси ReaxFF-Mueller билан ҳисобланганда бироз фарқ қилсада (-4,50 эВ), ReaxFF-Zou натижалари (-4,45 эВ) эксперимент (-4,44 эВ) ва DFT ҳисоблаш (-4,42 эВ) натижалари билан деярли бир-хил эканлиги аниқланди. Ni₈₆₄ ичидаги углерод учун эритма иссиқлиги (эритма энтальпияси) (0,62 eV) 0,42–0,49 eV атрофида бўлган эксперимент натижаларидан бироз юқори бўлсада, Ni₅₅ кластери ҳолати (0,29 eV) ҳам эксперимент ҳам бошқа моделлаштириш натижалари доирасига (0,2–0,4 eV) мос келади. Шаклланиш ҳажми V^F углерод атомларининг никел кристалли ичига киритилиши (Ni_xC) туфайли кристалнинг деформацияланишини характерлайди. У V^F = V(Ni_xC) - xΩ₀(Ni) орқали ҳисобланади, бу ерда V(Ni_xC) ва Ω₀(Ni) мос равишда Ni_xC структура (x системадаги Ni атомларининг сони) ва никел кристалининг бир молекула ёки атомига тўғри келувчи ҳажмлари. V^F/Ω₀ нисбат (0,78) ReaxFF-Mueller параметрлари орқали олинган (Ni₈₆₄C ва Ni₃₂C учун мос равишда 0,68 ва 0,71) натижалардан бироз каттароқ бўлсада, бу қиймат квантомеханик ҳисоб натижаларига (0,64 – 0,8) жуда яқин эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, водород молекуласи десорбцияси учун ҳисобланган энергия баръери қиймати 1,22 эВ бўлиб ReaxFF-Mueller параметрлари орқали олинган натижадан (1,66 эВ) бироз паст бўлсада, бу қиймат DFT ҳисоб натижалари (0,42–1,19 эВ) доирасига ҳамда экспериментал активация энергиясига (1,2–1,3 эВ) жуда яқин эканлиги аниқланди. ReaxFF-Mueller ва ReaxFF-Zou ларнинг микдорий натижалари орасидаги фарқларга қарамасдан, синов моделлаштириш натижалари бу каби кичик фарқлар ўсишнинг умумий механизмига таъсир этмаслигини кўрсатди. Умумий натижалар шунга далолат қиладики, ReaxFF потенциали углерод наноструктураларининг каталитик синтезини тасвирлашда етарлича аниқ экан. Ушбу реактив MD моделлаштиришларида ReaxFF дан ташқари Tersoff, MEAM ва Леннард-Жонс каби ўзаро таъсир потенциаллари (куч майдонлари) ҳам қўлланилган.

Одатда, MD моделлаштиришларида эришилган вақт кўлами наносекундлар тартибида бўлади. Аслида, материалларнинг ўсиши ёки уларни қайта ишланиш вақтида содир бўладиган кўплаб жараёнлар, хусусан, координатцион боғларни қайта тартиблаш, диффузия, (қаттиқ жисмдан) ажралиб чиқиш, ажратиш ва сиртқи рекомбинация реакциялари узоқроқ вақт давомида содир бўлади. Қўллаш мумкин бўлган вақтни узайтириш мақсадида PLASMANт тадқиқот гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган гибрид молекуляр динамика /Монте Карло (MD/tfMC) услуги жараёнларни микросекундларга қадар моделлаштириш қобилиятини намоён этди. MD/tfMC моделлаштиришларида, MD қисми каталлизатор юзасида углеродли газлар адсорбциясини ва илк пикосекундларда содир бўладиган дастлабки кимёвий реакцияларни ҳисобга олади, tfMC эса тизимнинг узоқроқ вақт давомида релаксация қилдиришга ёрдам беради. Ушбу моделлаштириш техникасидан фойдаланган ҳолда маълум хиралликли БҚНН нинг ўсиш механизми ва ўсишнинг илк босқичларида хиралликнинг ўзгариши, шунингдек плазмада

ҳосил бўлган Ar^+ иони, электр майдони ва УНН ўсишидаги турли хил C_n газ молекулаларининг аниқ роли бўйича тадқиқотлар ўтказилган.


Ушбу тадқиқот ишида, тадқиқот натижаларини ҳисоблаш учун Зичлик Функционали Назарияси (density functional theory - DFT) ва кичик деформацияланган эластик тасма (nudged elastic band - NEB) ҳисоблашлари ҳам ишлатилган. Хусусан, углеродсиз молекулаларнинг никел нанокатлизатори сиртида адсорбцияси/десорбцияси, водородланиш давомида углерод наноайчасидаги C-C боғларнинг узайиши, янги углерод структураларида ҳолатлар зичлиги ва бошқалар бўйича DFT ҳисоблашлари VASP дастурий таъминоти ёки OpenMX дастури ёрдамида бажарилди. Реакция баръери энергияси NEB ҳисоблашлари орқали топилди. Бундан ташқари, Коши кучланиш тензорлари БҚНН даги механик кучланганлик ўлчови сифатида ҳисобланган. Бу кучланиш наноайчани кичик кубчаларга бўлган ҳолда ҳисобланади. Кучланишни ҳисоблашдан олдин структурадан кинетик энергия йўқотиш мақсадида система NpT ансамблда 0,01 К гача совитилади. Ундан сўнг, системанинг тўлиқ энергияси тик тушиш (steepest descent) ва градиентларга боғлиқлик (conjugate gradient) усуллари орқали минималлаштирилади.

Ишнинг асосий натижалари тўртта қисмга бўлинган бўлиб, мос равишда, 2-5 қисмларда берилган. **Тадқиқотнинг иккинчи қисми углерод наноайчалари (УНН) нинг бошқариладиган ўсишидаги углерод газ таъсирини ўрганишга бағишланган.** MD/tfMC моделлаштиришларида катализатор сифатида диаметри 1 нм бўлган Ni_{55} нанокластери танланган (1-расм). Никелнинг ҳисобланган когезив энергияси -4,45 эВ бўлиб, у тажриба (-4,44 эВ) ва DFT (-4,42 эВ) натижалари билан жуда мос келади. Нанокатализатор виртуал Al ёки Si юзасида физосорбсияланган бўлиб, бу ўзаро таъсирни ифодалашда z ўқи бўйича интеграцияланган Леннард-Жонс потенциалидан фойдаланилади:

$$F(z) = D_e \left\{ \frac{1}{5} \left(\frac{\sigma}{z} \right)^{10} - \frac{1}{2} \left(\frac{\sigma}{z} \right)^4 \right\} \quad (1)$$

бу ерда z - тагликка нормал жойлашган атом координатаси. D_e ва σ параметрларни танлаш орқали махсус тагликка тақлид қилинади. Масалан, агар алюминий тагликнинг таъсири ўрганилмоқчи бўлса, Ni-Al ва C-Al жуфтликлар учун бу параметрлар мос равишда $D_e = 2,3$ эВ ва 0,03 эВ, ва $\sigma = 2,37$ Å ва 2,976 Å сифатида танланади.

Каталитик буғни кимёвий чўктириш (CCVD) усулига асосланган экспериментларга тақлид қилиб, углеродли газ сифатида углеводород молекулалари (яъни, CH_4 , C_2H_2 , C_6H_6 , CH_2O , C_2H_6O , $C_{13}H_{24}O_{11}$, CO ва бошқалар) ни 1000К дан 2000К гача бўлган ҳароратда вакуумга киритилди.




1-расм. Уч босқичга бўлинган $C_xH_yO_z$ га асосланган БҚНН ўсиши жараёни. Ni, C, H ва O атомлари мос равишда зангори, қизил, кўк ва яшил рангларда кўрсатилган.

Углеродли газнинг босими моделлаштиришларда асосланган тўқнашиш (зарба) суръатига боғлиқ. Идеал газ ҳолатида, зарба (тўқнашиш) оқими куйидагича ҳисобланади:

$$J = \frac{N_A p}{\sqrt{2\pi M R T}} \quad (2)$$

бу ерда N_A - Авагадро доимийси, p - босим (Па да), M - моляр масса (кг/моль да), R - универсал газ доимийси ва T - ҳарорат (К да). Бу моделлаштириш ишида зарба оқими минимал босим 1.46 кПа га мос ҳолда $0,02 \text{ nm}^{-2}\text{ns}^{-1}$, $0,2 \text{ nm}^{-2}\text{ns}^{-1}$, $1,0 \text{ nm}^{-2}\text{ns}^{-1}$ ва $2,0 \text{ nm}^{-2}\text{ns}^{-1}$ га тенг. 1000 К ва 1400 К ҳолатлар учун ҳам юқори зарба оқими ($2,0 \text{ nm}^{-2}\text{ns}^{-1}$) ҳисобланди. Икки тўқнашув орасидаги ўртача вақт 0,5 нс (юқори зарба оқими учун) дан 50 нс (паст зарба оқими учун) гача бўлади. Вакуумдаги углеродли газ катализатор юзасига ёпишганда tфМС ишлатилиши натижасида система энергияси минималлаштирилади. Бу минималлаштириш жараёнида ҳеч қандай бошқа углеродли газ системага киритилмайди. Баъзи молекулаларнинг паст пиролиз (pyrolysis) ҳароратига эга бўлиши сабабли молекула катализаторга ёпишмасдан олдин вакуумдаёқ у хилма-хил молекуляр қолдиқлар/бўлақлар сифатида топилиши ҳам мумкин. Лекин, бундан пиролиз маҳсулотларининг ҳосил бўлиш суръати жуда паст эканлиги ҳам аниқланди. Моделлаштиришларда максимал вақт 2 μs гача бориши аниқланди.



2-расм. (a) Горизонтал нанокатлам билан вертикал нанодеворнинг потенциал (когезив) ва ўзаро таъсир энергиялари. (b) Экспериментал кузатувлар пайтида оралик бекарор углерод струкаларининг пайдо бўлишининг талқини (тушунтирилиши).

Ўсишнинг илк босқичларида (1-расм), углеводород молекуласи биринчи бўлиб нанокатализаторга адсорбцияланади ва каталик парчаланиш натижасида унинг C-H, C-O ва C-C боғлари аста-секин узилади. Шундан сўнг, углерод атоми кластер ичига абсорбцияланганда, H_2 ва H_2O молекулалар катализатор сиртини


тарк этади. Ni₅₅ кластеридаги С атомининг ҳисобланган эритма энтальпияси тахминан 0,29 эВ бўлиб, тажриба ва бошқа моделлаштириш натижаларига яқин (0,2-0,4 эВ). Шунингдек, H₂ десорбцияси энергия баръери (1,22 эВ) экспериментал активация энергиясига (1,2-1,3 эВ) жуда яқин эканлиги аниқланди. Моделлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, нанокластер С атоми билан тўйингандан сўнг, кластерга келиб қўнган молекулалар аввал таклиф қилинган механизмларга қўшимча равишда дастлабки пентагон ҳалқаларининг ҳосил бўлишига (бу БҚНН ўсишининг илк сигнали, деб ҳисобланади) ҳисса қўшади. Ўсишнинг иккинчи босқичидан бироз олдин, катализатор кластерида тик-турувчи (вертикал) графен нанодеворлари ва горизонтал углерод қавати шаклланиши кузатилди (2-расм). Вертикал углерод нанодевори (Ni₅₅C₈ + C₄₀H₁₂) ва горизонтал наноқатлам (Ni₅₅C₈ + C₄₀H₈) потенциал энергияларининг бир-бирига яқинлиги (5,5 эВ/атом) иккала структуранинг ҳам ўсишнинг бу босқичида пайдо бўлиши мумкинлигига далолат қилади (2а-расм). Улар энергияларида кичик фарқ (~ 0,1 эВ) мавжуд бўлса-да, юқори ҳарорат ушбу энергия тўсиғини енгиб, БҚНН қопқоғи (Ni₅₅C₈ + C₄₀) ҳосил бўлишидан олдин бу иккала структуралар ўзаро бир-бирига айланишига имкон беради. Ушбу далиллар (биринчи марта) ацетилен молекуласи ёрдамида БҚНН ўсишининг экспериментал (ТЕМ) кузатуви пайтида беқарор (оралик) углерод структураларини пайдо бўлишини аниқ тушунтириб берди (расм 2б).

Шунингдек, натижалар шуни кўрсатдики, углерод наноқатламлари юқори Н ва паст С концентрациялар туфайли паст ўсиш ҳароратида тик турувчи параллел углерод қатламларига айланиши мумкин. Бундай параллел углерод нанодеворларининг пайдо бўлиши, илгари экспериментал таклиф қилинганидек, C_xH_y газидан кўп қаватли (деворли) УНН (КҚНН) ўсишининг илк қадамини тушунтириши мумкин. Бошқа томондан, C_xH_yO_z га асосланган БҚНН ўсишида кислород ёрдамида реактив водород атомларини HO• + H• + Ni → H₂O ↑ + Ni реакция орқали (энергия баръери 1,53 эВ) тозалаши сабабли бундай структура айланишлари (горизонталдан вертикалга) камроқ учрайди. Натижада, C_xH_yO_z асосидаги ўсиш жараёнида кам қаватли (деворли) УНН ларининг ўсиш эҳтимоли ортади. Ушбу мулоҳазалар Fe-катализатори ёрдамида C_xH_yO_z орқали кўпроқ БҚНН ва C_xH_y орқали эса икки қаватли (деворли) УНН (ИҚНН) ўсиши асосида қўллаб-қувватланди. Хусусан, бу экспериментларда этанол (C₂H₆O), толуол (C₇H₈) ва метан (CH₄) орқали олинган БҚНН/ИҚНН популяциялари нисбати мос равишда 92/8, 89/11 ва 25/75 (% да) бўлиши аниқланди.

Юқорида айтиб ўтилган натижалар шуни кўрсатдики, вертикал ва горизонтал графен қаватларнинг пайдо бўлиши мос равишда водородланиш ва водородсизланиш жараёнлари ўртасидаги рақобат туфайли юзага келади. Шундай қилиб, моделлаштириладиган системанинг водородсизланиш даражасини баҳолаш учун *k*-коэффициенти киритилди:

$$k = \frac{mN_C - nN_H}{mN_C + nN_H} \quad (3)$$


бу ерда n ва m - тегишли равишда углеводород C_nH_m молекуласидаги углерод ва водород атомларининг сони, ва N_C ва N_H эса мос равишда нанокластердаги адсорбланган углерод ва водород атомларининг умумий сони.



3-расм. k -коэффициентнинг турли қийматларига мос келувчи $Ni_{55}C_yH_z$ структуралар кўрсатаёттики, k -коэффициент ошиши билан системадаги водород миқдори аста-секин камаяди.


k -коэффициент ($k \in [0,1]$) катализатор юзасида углеводород молекуласининг физосорбцияси ($k = 0$), адсорбцияланган молекула ($k > 0$) ва катализаторнинг тўлиқ водородсизланиши ($k = 1$) ни осонликча фарқлашга имкон беради (3-расм). Ушбу коэффициент углеродли газ турига, ўсиш ҳароратига, газ босими, катализатор таглик материалга ва бошқа параметерларга боғлиқлиги аниқланди.

Шунингдек, натижалар шуни кўрсатдики, агар системадаги водород концентрацияси ошса, яъни k -коэффициент нолга интилса, УНН нинг ўсиш тезлиги пасаяди. Хусусан, C_xH_y орқали БҚНН ўсишида углеродли газ адсорбцияси N_H/N_C нисбатига боғлиқ (4-расм). Агар бу нисбат нолга тенг бўлса, системадаги С атомлар сони тезроқ кўтарилади, яъни С атомларининг адсорбция тезлиги қуйидаги углеродли газ тартибда ортади: $CH_4 \rightarrow CH_3 \rightarrow C$ ёки $C_2H_2 \rightarrow C_2H \rightarrow C_2$. Агар бу нисбат икки хил C_xH_y гази учун тенг бўлса, адсорбция тезлиги газ таркибидаги С атомларининг сонига боғлиқ бўлади (4-расм, C_2H_2 ва C_6H_6 га қаранг). Ушбу тушунтириш углеводород ва шунингдек плазма зарралари ёрдамида БҚНН нинг ўсиш тезлигини янада ойдинлаштирди ва баъзи экспериментал кузатувларни, масалан, нима учун CH_4 ёрдамида УНН нинг ўсиш суръати C_2H_2 ҳолатидаги ўсиш тезлигидан пастроқ эканлигини тушунишга олиб келди.



4-расм. Турли углеродли газлардан БҚНН ўсиши пайтида адсорбцияланган С атомларининг эволюцияси.


Углерод ўсаётган графен қатлам ёки нанонайча тубига (катализатор ичига сизиб кирган) диффузияланган углерод, (катализатор) сиртдаги углерод ёки газ муҳитидаги (сиртдан йўқотилган) углерод сифатида қўшилиши мумкинлиги аниқланди (5а-расм) ва шунинг учун уччала углерод ҳиссадори ҳам УНН ўсишига ҳисса қўша олади (5б-расм). Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ушбу уч хил углерод ҳиссадорларининг пайдо бўлиши катализатор ёки углерод қатнашмаган зарраларнинг (Н, ОН, О ва бошқалар) фаоллиги билан боғлиқ бўлиб, бу фаоллик углеродли газини тўлиқ ёки қисман парчаланishiга олиб келади. Углеродли газ молекуласининг диссоциациясидан сўнг, катализаторнинг активлиги сабаб барча С атомлари кластер ичига диффузияланади ёки углеродсиз газнинг активлиги туфайли углеродли газнинг тўлиқ парчаланмаган қисми катализаторни тарк этади. Акс ҳолда, углеродли газ молекуласининг парчаланмай қолган қисми катализатор юзасида сиртдаги углерод кўринишида қолади.



5-расм. (a) БҚНН ўсиш пайтидаги ҳар хил углеродли газлар (b) Учта углерод ҳиссадорлари (c) Углерод ҳиссадорларининг БҚНН учун таъминот даражаси.

Сўнгги DFT ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, C атомининг БҚНН пастки ҳалқасига қўшилиши найчанинг хираллигини ўзгартирса, C₂ димернинг қўшилиши эса фақат ўсишни давом эттиришга ёрдам беради. MD/tfMC моделлаштириш натижалари сирт C нинг (асосан C₂H_yO_z сифатида) УННга қўшилиши қолган икки углерод берувчиларга қараганда юқори (яъни, барча қўшилиш ҳодисаларига нисбатан камида 50%) эканлигини кўрсатди (5c-расм). Углеродли газ турига қараб бу миқдорлар ўзгарсада (яъни, CH₄, C₂H₂ ва CH₂O учун мос равишда 87%, 65% ва 50%) бу каби қўшилиш нисбати ўсиш давомида

найчанинг хираллигини ўзгартирмайди. Бошқа томондан, диффузияланган С нинг фракциялари CH_4 (12%) ҳолатига нисбатан С (42%) ва CH_2O (47%) ҳолатларда найчанинг хираллигини кўпроқ ўзгартириш мумкинлигини кўрсатади. Айнан, углеродли газни танлаш қандай углерод ҳиссадорлари ҳосил бўлишини ва шу билан бирга ўстирилган БҚННда хиралликнинг ўзгариши эҳтимолини аниқлайди.




6-расм. CH_2O (a) ва $\text{C}_{13}\text{H}_{24}\text{O}_{11}$ (b) молекулалари ёрдамида ўстирилган БҚННлар. Тангенциал (c) ва перпендикуляр (d) ўсиш режимларида ўсган найчалар. (e) $d_{\text{NT}}/d_{\text{NP}}$ нисбатининг С қўшилиш тезлигига, найчаларнинг ўсиш тезлигига ва Ni нинг углерод билан тўйинганлигига боғлиқлиги.

Углерод (УННга) кўшилиш тезлигининг эффекти ҳам ўрганилди. Хусусан, C/H/O нисбати ўхшаш ($\sim 1/2/1$) бўлган иккита $C_xH_yO_z$ молекула, яъни кичик (CH_2O) ва катта ($C_{13}H_{24}O_{11}$) молекулалар танланди. Лекин, катта молекула ҳар бир кўшилишда (13 марта) кўпроқ C бера олади ва шунинг учун C кўшилиш тезлиги кичик молекулага қараганда анча юқори. Кичик (6a-расм) ва катта молекулалар (6б-расм) орқали БҚНН ўсиши мос равишда икки хил ўсиш режимига олиб келади: "тангенциал", яъни найча ва катализатор нанозаррачасининг диаметрлари бир хил ($d_{NT}/d_{NP}\approx 1$) (6с-расм) ва "перпендикуляр", яъни найча диаметри нанозаррача диаметридан кичикроқ ($d_{NT}/d_{NP} < 1$) (6д-расм). Бундай ўсиш табиати экспериментал ТЕМ кузатувлари билан мос келади, яъни БҚНН диаметри углерод билан таъминлаш (C_{supply}) тезлиги ва углерод кўшилиш (C_{inc}) тезлиги ўртасидаги нисбатнинг функцияси дор ва БҚНН диаметрининг торайиши ва кенгайиши мос равишда $C_{supply}/C_{inc} < 1$ ва $C_{supply}/C_{inc} > 1$ шартлар билан аниқланади. Умуман олганда, тез (ёки секин) углерод кўшилиши тор (ёки кенг) диаметрга эга БҚННнинг ўсишига олиб келишини кўрсатди. Ушбу экспериментал тушунтириш бе-расмдаги моделлаштириш натижаларини тўлиқ тасдиқлади, яъни углерод кўшилиш тезлиги d_{NT}/d_{NP} нисбатига тесқари боғлиқ. Умуман олганда, моделлаштириш натижалари экспериментал ўсиш ходисаларини, яъни, БҚНН кенгайиши, торайиши ва ўсишдан тўхташини молекуляр даражада тушунтира олди.

Тадқиқотнинг учинчи қисми углерод нанонайчаларини танлаб йўқотишни ўрганишга бағишланган. Моделлаштиришларда олдиндан ўстирилган турли хил углерод қопқоқлари ва найчалари плазма ёрдамида кучайтирилган буғни кимёвий чўктириш (PECVD) тажрибаларига ўхшатиб, 1000 К – 2000 К оралиғида водород ёки кислородли муҳитда қўйилади. Олинган натижалар/топилмалар ва олдинги тажриба ва назарий/ҳисоблаш тадқиқотлари асосида углерод нанонайчаларини водород (H) орқали йўқ қилиш усули таклиф қилинди. 7a-расмда кўрсатилганидек, бу жараёнда учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин: (i) H адсорбцияси ва уларнинг кластерланиши (тўпланиши), кейинчалик (ii) илк нуқсоннинг пайдо бўлиши ва ниҳоят (iii) кимёвий йўқ қилишнинг бошланиши. Пирамидализация ва C атомлари π -орбиталларининг нотўғри тақсимлаш натижасида адсорбцион барер пасаяди ва қавариқ нанонайча реактивлиги планар графенга нисбатан сезиларли даражада ошади. Водородланиш жараёнида (I - босқич), шу сабабли, H_2 молекуласи кичик диаметрли БҚНН ларда осонгина физосорбциялана олади (0,11-0,44 эВ) ва натижада у кимёвий парчаланаши (диссоциацияланиши) мумкин. H атомининг БҚНН билан ўзаро таъсир энергияси қуйидагича ҳисобланади:

$$E_t = E_{BQNN-H} - \left(E_{BQNN} + \frac{1}{2} E_{H_2} \right) \quad (4)$$

бу ерда E_{BQNN-H} , E_{BQNN} ва E_{H_2} лар мос равишда тўлиқ оптималлаштирилган БҚНН-Н структуранинг, битта нанонайчанинг ва H_2 молекуласининг тўла энергиялари.




7-расм. (a) Водород орқали УНН ни йўқотишнинг уч босқичи; (b) турли хил хиралликли БҚНН ларда γ -бурчак; (c) C-C боғ узайиши ва БҚНН ларни йўқотилиш эҳтимоллигининг γ -бурчакка боғлиқлиги.

Бошқа томондан, водородланиш жараёнида, адсорбцияланган Н атоми Лангмуир-Хиншелвуд (бошқа адсорбцияланган Н билан бирикиши натижасида ёки $N_{адс}&N_{адс}$) ёки Элей-Ридеал (газ муҳитидаги Н билан бирикиши натижасида ёки $N_{адс}&N_{газ}$) механизмлари орқали сиртни қайта тарк этиши (десорбцияланиши) ҳам мумкин. Бундай десорбциялар туфайли нанонайча юзаси водород билан тўлиқ қопланмайди. Хусусан, 300 К ҳароратда қопланиш даражаси 22% га етади ва шунинг учун бу адсорбция-десорбция табиати экспериментал далилни, яъни УНН нинг H_2 сақлаш сиғими хона ҳароратида 21% дан 25% гача бўлишини тушунтира олади.

Бошқа томондан, ҳаракатчан Н адатомлари сиртда тўпланишга ҳаракат қилиши қўшни томонларни эгаллаб олишга олиб келади. Электронлар орасидаги ўзаро таъсир $ReaxFF$ га асосланган ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмаган бўлсада, ушбу кузатиш квант механикаси қонунлари асосида ҳисоблайдиган DFT натижаларига жуда мос келади, яъни Н-адатомларининг тўпланиши электрон жуфтлашиши ва система энергиясини минималлаштириш натижасида юзага келади ва бу Н-кластерланиш (тўпланиш) эффекти деб номланади. Кластерланиш жараёнида, найча юзасида адсорбланган Н атомларининг пара, мета ва орто конфигурациялари топилсада, орто конфигурациялар дастлабки С-С боғларнинг узилиши учун жавобгар ҳисобланиб, УНН ни йўқ қилишнинг илк қадамини аниқлайди. Хусусан, бир қаватли (деворли) углерод нанонайчаларидаги адсорбцияланган орто водород жуфтликлари бўйлама механик кучланишларга нисбатан юқори қўндаланг механик кучланишларни келтириб чиқариши ($>3,5$ ГПа) орто НС-СН боғларнинг найча хираллик вектори билан ҳосил қилган бурчагига (γ билан белгиланади, 7б-расмга қаранг) мос равишда узайишига олиб келади. Хусусан, бу орто НС-СН боғ узайишлари MD ҳисобларида 13% дан 16% гача ва DFT ҳисоблашларида 6,5% дан 15,5% гача бўлиб, 0 дан 90° гача ўзгариб турадиган γ бурчакка тескари боғлиқликда бўлади (7с-расм, DFT ва MD). Шундай қилиб, биринчи нуқсон (дефект) (7а-расм, II-босқич) минимал γ бурчакка эга бўлган орто С-С боғнинг узилиши натижасида пайдо бўлади. Умуман олганда, MD/tfMC моделлаштириш натижалари, квант-механик ҳисоблашлар ва экспериментал далиллар шуни кўрсатадики, γ бурчаги (i) креслосимон (метал) найчаларнинг зигзагсимон (яримўтказгич) найчаларга нисбат афзал йўқотилиш табиати аниқлаштирди, шунингдек биринчи марта (ii) ўхшаш диаметрли яримўтказгич найчалари, (6,5), (7,5) ва (8,3) найчаларнинг селектив йўқ қилиш мумкинлигини башорат қилди (7с-расм).

Шунингдек, амалга оширилган моделлаштириш натижалари водород плазмаси ёрдамида БҚНН ни кимёвий йўқ қилинишининг умумий механизми углеводород C_xH_y ёрдамида БҚНН ўсишининг илк босқичларига ўхшаш (яъни тескари йўналишда) эканлигини кўрсатди. Водородланиш ва ундан кейинги кимёвий йўқ қилиниш жараёнида, мурғак углерод нанонайчаси ёки углерод қопқоғи таглик устидаги Ni-нанокластер сиртидан тўлиқ йўқ қилингунига қадар кетма-кет равишда турли хил углерод наноструктураларига, яъни углерод наноқатлами (ёки графен), нанодевор (ёки тик графен) ва полиен занжирлари (шу жумладан карбин) га айланади. (8-расм, H_2 plasma).




8-расм. Плазма ёрдамидаги водородлаш ёки оксидлаш жараёнида углерод қопқоғининг кетма-кет турли хил углерод структураларига айланиши.

Йўқ қилиш жараёнида, газ муҳити (ёки вакуум) да Н атомлари ва H₂ молекулаларидан ташқари сиртдан ажралиб чиққан C_xH_y лар ичида CH₄ ва C₂H₄ молекулаларининг кўплиги кузатилди. Бундан ташқари, УННни плазма ёрдамида кимёвий йўқ қилишда кислороднинг таъсири ҳам ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, O₂ асосидаги плазманинг йўқ қилиш табиати H₂ асосидаги плазманикидан бутунлай фарқ қилади. Хусусан, Ni катализатори оксидланиш жараёнида тезда оксидланади ва натижада углерод қопқоғи катализатор сиртидан углерод қафаси (ёки фуллерен) ёки пиподга ўхшаш углерод наноструктуралари сифатида ажралиб чиқади (8-расм, O₂ plasma).

Ишнинг тўртинчи қисмида турли хил ёпиқ ёки химояланган углерод наноструктураларининг ўсишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Моделлаштиришда дастлаб Ni_n (n = 5, 10 ва 18) нанозаррачаси (10,10) найчага киритилади (9-расм, 0 нс). Кейинчалик, углерод (C_x) (9а-расм) ва углеводород (C_xH_y) (9б-расм) молекулалари найча ичига бирма-бир киритила бошлайди.


БҚНН ички қисмининг ботиқ юзаси одатда реактив эмас ва шунинг учун киритилган углеродли газ Ni атом/кластерига боғланади. Углерод газининг адсорбция энергияси N_H/N_C нисбатининг ошиши билан камаяди, яъни адсорбция энергиялари C₂ учун -3,68 эВ ва C₂H₂ учун -1,36 эВ бўлади. УНС ўсиши жараёнида, парчаланмай қолган молекула бўлаклари катализатор юзасида бошқа адсорбцияланган/парчаланган углеродли молекула бўлакларига боғланишдан олдин улар катализатор сиртида диффузияланади. NEB-MD ҳисоблашлари шуни кўрсатдики, C₂, C₂H ва C₂H₂ лар жуфтланиши учун мос равишда 0,1 эВ, 0,26 эВ ва 0,3 эВ ли энергия барерларидан ўтиш керак бўлади (9с-расм).



9-расм. C_x (a) ва C_xH_y (b) ёрдамида ҳар хил УНС ларининг каталитик ўсиш босқичлари. (c) Ni катализатори орқали C_2 , C_2H ва C_2H_2 лар ёрдамида карбин ўсишининг илк қадамидаги бирикиш/ажралиш реакциялари ва активация энергиялари.

Ушбу график катализатор ва углеродли газ рақобатининг самарасини ифодалайди, яъни никел С-С алоқасини шаклланишини осонлаштириши углеродли занжир-ҳалқа-қопқоқ ҳосил бўлишини тезлаштиради, водород эса бундай жараёнларнинг кетишини кечиктиради ёки тўхтатади. Натижада, БҚНН ичида C_x газ туфайли углерод қопқоғи ва C_xH_y гази туфайли тик турувчи графен қобиғи дастлабки структуралар сифатида ўсиши мумкин. Шундай

қилиб, БҚНН ичида C_x ҳолатида наноқопқок/фуллерен, икки қаватли (деворли) УНН (ИҚНН) ёки ИҚНН ичида карбин ўсса, C_xH_y ҳолатида бир ёки икки қаватли графен нанотасмалари (ГНТ) ҳосил бўлади. Хусусан, олинган ИҚНН ларнинг ўртача диаметри $0,70 \pm 0,15$ нм уларнинг ташқи ва ички диаметрлар орасидаги фарқ $0,33 \pm 0,08$ нм бўлиб, экспериментал аниқланган қийматларга ($0,36 \pm 0,03$ нм) жуда яқин. Шунингдек, БҚНН ичидага ўсган ГНТ нинг ўртача кенглиги $0,7$ нм атрофида эканлиги аниқланди ва графен чеккаси билан БҚНН девори орасидаги масофа тахминан $0,35$ нм ни ташкил қилади. Натижалар яна шуни ҳам кўрсатдики, ички наноайчанинг сифати никел нанозаррасининг ўлчамига боғлиқ эмас. Хусусан, Ni_5 , Ni_{10} ва Ni_{18} каби турли ўлчамдаи катализаторлар воситасида ИҚНН лар олинди ва улардаги бешбурчак, олтибурчак, еттибурчак ва бошқа углерод ҳалқалари мос равишда $22 \pm 1,4\%$, $57 \pm 1,8\%$, $18 \pm 1,0\%$ ва $3 \pm 1,1\%$ эканлиги аниқланди. Умуман олганда, натижалар шунга далолат қиляптики, структурани бошқариш катализатор ва углеродли газ танловига жуда боғлиқ.



10-расм. УНС лар учун нисбий барқарорлик (ёпиқ доиралар) ва когезив энергиялар (очиқ квадратлар). Бундан ташқари, қизил ва яшил ранглар мос равишда металсиз ва металли УНС ларга тегишли.

Металл аралашган УНС ларнинг барқарорлигини баҳолаш учун, 10-расмда кўрсатилганидек, 10 хил идеал наноструктуралар, яъни БҚНН@БҚНН (C₅₄₀H₆₀) ёки ИҚНН, карбин@ИҚНН (C₅₅₇H₆₂), ГНТ@БҚНН (C₄₃₂H₅₀), Н-ГНТ@БҚНН (C₄₃₂H₆₆), Н-ИҚНТ@БҚНН (C₅₀₄H₉₂) мос ҳолда металл атомлари бўлган ва бўлмаган ҳолатлари учун танланди. Когезив энергиялар шуни кўрсатмоқдаки, БҚНН@БҚНН структура энергетик жиҳатдан энг мақбул эканлиги аниқланди (-6,95 эВ). Бундан ташқари, металл атомлари бўлмаган наноструктуралар энергияси металл аралашган наноструктуралар энергиясига нисбатан кам, яъни энргетик жиҳатидан барқарор эканлиги кўрсатилди (10-расм, қизил ва яшил квадратчалар). Бироқ, наноструктуралар турли хил кимёвий элементлардан иборат бўлганлиги учун когезив энергия ушбу структураларнинг барқарорлигини таққослашда тўғри танлов эмас.


Шунинг учун ҳосил бўлган УНС ларнинг нисбий барқарорлиги Гиббснинг моляр эркин энергияси орқали куйидагича ҳисобланади:

$$\delta G = E - x_C \mu_C - x_H \mu_H - x_M \mu_M \quad (5)$$

бу ерда E - УНС нинг ҳар бир атомига тўғри келувчи (когезив) энергия. Углерод, водород ва метал (никел) атомларининг моляр фракциялари мос равишда x_C , x_H ва x_M билан, химиявий потенциаллари эса мос равишда μ_C , μ_H ва μ_M билан белгиланади. Бу ерда, μ_C ва μ_M лар сифатида мос равишда графен (-7,64 эВ) ва никел (-4,45 эВ) когезив энергиялари танланган. μ_H H₂ молекуласининг ҳар бир атомига тўғри келувчи боғланиш энергиясига тенг (-2,36 эВ). ΔG ҳисоблашлари 10-расмда кўрсатилгандек Н-ГНТ@БҚНН ва Н-ИҚНТ@БҚНН БҚНН@БҚНН ва карбин@ИҚННга қараганда барқарорроқ эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ГНТ@БҚНН КНСлари орасида энг беқарор структура эканлиги аниқланди. Ушбу хулоса DFT ҳисоблашлари орқали ҳам тасдиқланган. Бундан ташқари, ушбу тенденция металл атомлари бўлган наноструктуралар учун ҳам бир хилдир (10-расмда тўқ яшил доиралар). Бироқ, металл УНС лар барча ҳолатларда металлсиз УНС ларга қараганда беқарорроқ ва шунинг учун УНС ларни металллардан тозалаш уларнинг барқарорлигини оширади.

Шундай қилиб, ушбу наноструктураларни оксидлаш ёрдамида металл атомларидан тозалаш (11-расм) ўрганилди. Оксидлаш ёрдамида тозалаш экспериментал равишда амалга оширилган бўлсада, тозалаш механизми аниқланмаган эди. Ушбу ишда тозалаш механизмини аниқлаш учун жараён икки босқичга ажратилиб схематик тарзда намойиш этилди, яъни, (I-босқич) БҚНН сиртида нуқсон (тешик) пайдо бўлиши ва ўз навбатида Ni атомининг бу тешикни беркитиши (тиқинлаш), сўнгра (II-босқич) оксидланиш натижасида тиқин Ni атомларини БҚНН сиртидан бирма-бир ажралиб чиқиши. Кислород найчага адсорбциялангандан ва найчада тешик пайдо бўлганидан ҳамда Ni атоми ушбу тешикка тиқилганидан сўнг система энергияси -5,4 эВ гача пасаяди (11a-расм). Бу эса ушбу оралиқ жараёнлар кетма-кетлиги энергетик жиҳатдан маъқулланишини кўрсатади. Тиқин Ni атомларининг ажралиши


энергияси эндергоник (3,12 эВ) бўлса, улар оксидланганда эса эксергоник (-0,15 эВ) бўлади (11b-расм).



11-расм. Тозалаш жараёнининг икки босқичи. ΔE - структура энергиясининг унинг бошланғич ҳолатидан фарқи.

Шунинг учун, иккинчи босқичда, тикин Ni атоми оксидланади ва 4,0 эВ энергия тўсиғини енгиши натижасида найчадан кетма-кет равишда чиқиб кетади. Бу иккала босқич найча барча металл атомларидан халос бўлгунича такрорланади.

Эндоэдрал углерод занжири, яъни (5,5)@(10,10) ИҚНН ичидаги карбиннинг ўсиш механизмлари систематик равишда ўрганилди. Метал (Ni) катализатори ва углеродли газ (яъни, C_2 , C_2H ва C_2H_2) нинг роли ҳар хил углерод занжирлари, шу жумладан Ni ёки H эга бўлган карбиннинг ўсишини бошқариш учун муҳим эканлиги аниқланди.




12-расм. (a) Каталитик ўсишда олиниши мумкин бўлган занжирли структура-лар; (b) энергия ўзгаришининг занжир нисбий узайишига боғлиқлиги; (c) ҳар хил углерод занжирлари учун тақиқланган зона кенгликлари.

Бу занжирларда углерод концентрацияси ошиши билан уларнинг потенциал энергияси ҳам камая боради (яъни энергетик жиҳатдан барқарорлашиб боради). Хусусан, ҳар бир С атоми қўшилганда системанинг энергиясининг ўзгариши 6,42 эВ ни ташкил этади ва бу қиймат карбин учун 5,77 эВ дан 7,67 эВ гача бўлган DFT ҳисоблашлар натижаларига жуда яқин.

Катализатор ва углеродли газ орасидаги рақобат туфайли (9с-расмга қаранг), металл (Ni) ёки водород атоми билан тўлиқ ёки қисман таъминланган ўн икки турдаги углерод занжирлари (12а-расм), шу жумладан, полиин, кумулин ва полиен занжирлари олиш мумкин. Углерод занжирининг узунлиги занжирнинг водородланиш даражасига қараб нисбатан узайиши аниқланди, яъни C₂, C₂H ва C₂H₂ углеродли газ ҳолатида занжирлардаги ўртача С-С боғ узунлиги мос равишда 0,13 нм, 0,134 нм ва 0,14 нм бўлиши аниқланди. Хусусан, икки томони металл билан чегараланган углерод занжири кумулинга ўхшаш бўлиб (12а-расмдаги 4-структурага қаранг), боғ узунлиги (*r*) тахминан 0,13 нм ва бу металлган карбиннинг С-С боғи учун экспериментал қийматига (0,131 нм) жуда яқин. Шунингдек, катализатор атомлари ва/ёки Н атомларининг углерод занжирига боғланиши унинг узунлигига ва барқарорлигига таъсир қилиши мумкинлиги ҳам аниқланди (12б-расм). Ni ёки Н билан чегараланган карбинларининг узунлиги сезиларли даражада ўзгармаган бўлса-да, уларнинг нисбий потенциал энергияси пасаяди (12б-расмда 1-4 га қаранг). Бошқа томондан, Ni/Ni (11а расмдаги 4,7-9, 12 структуралар) ёки Ni/H (12а-расмдаги 3, 6, 11 структуралар) ёки H/H (12а-расмдаги 2, 5, 10 структуралар) билан чегараланган углерод занжирларининг узунлиги ва барқарорлиги занжирда Н концентрациясини ошиши билан ортади (12б-расмда 5-12 га қаранг). Шунингдек, кетма-кет Н қўшилиши занжир тузилишини "чизиқли" кумулен/полиинли аллотропдан "зигзагсимон" полиен структурасига айланишига олиб келиши кўрсатилди.

Бундай қўшимчалар нафақат занжир морфологиясини балки уларининг электрон хусусиятларини ҳам ўзгартириши мумкин. 12с-расмдан кўринадики, энг катта таъқиқланган энергия кенглиги (1,25 эВ) чекланган карбин (1-структура) да эканлиги аниқланди ва бу қиймат *ab-initio* ҳисоблаш натижаларига (~ 1,5 эВ) яқин. Карбин занжирининг учлари Ni атомлари билан чегараланганда (4-структура), энергия кенглиги сезиларли даражада, яъни 0,69 эВ га (-45%) камаяди. Сўнгра, Н атомлари карбин занжири бўйлаб қўшилса, бу энергия кенглиги янада камаяди. Хусусан, 2 Н (7-структура) ва 8 Н (12-структура) атомли Ni билан чегараланган карбинлар учун максимал энергия кенглиги мос равишда 0,62 эВ (-50%) ва 0,16 эВ (-88%) ни ташкил қилади. Дарҳақиқат, Ni билан чегараланган карбин занжири бўйлаб Н атомлари қўшилганда, тақиқланган зона кенглиги сезиларли даражада камайиши аниқланди.

Бундан ташқари, турли карбин структураларидаги электрон транспорти ҳам атрофлича ўрганилди.




13-расм. Si(100) юзасида Ni чўкма ҳосил қилиш (deposition) ва юпқа Ni плёнкани парчалаш (re-structuring).

Катализатор нанозаррачалари ва уларнинг тағлигини (ёки субстратни) ҳосил қилиш бўйича ўрганишлар тадқиқотнинг бешинчи қисмида келтирилган. Жумладан, Ni нанокластерларининг плазма асосида шаклланиши механизмларни тушуниш учун эксперимент томонидан қўллаб-қувватланадиган моделлаштириш (MD/tfMC) усули қўлланилди.

Дастлаб, Ni атомларининг Si монокристали сиртига ўтказилиши, яъни Волмер-Вебер (орол) режими орқали юпқа қатламли Ni плёнкасининг ўсиши ўрганилди (13-расм, deposition). Моделлаштириш орқали олинган Ni плёнкаси (қалинлиги 0,3 нм - 1,2 нм оралиғида) аморф ва сирт ғадир-будурлилиги паст ва бу кўрсаткичлар экспериментал кузатишлар билан тасдиқланди. Сўнгра, Ni юпқа плёнкасининг парчаланиш механизми, плёнка юмшатиладан кейин Ni нанозаррачалари қандай пайдо бўлишини тушуниш учун ўрганилади (13-расм, re-structuring). Хусусан, Ni плёнкасининг суюқланиши Гиббс-Томсон эффекти, яъни наносистемаларда эриш ҳароратининг пасайиши туфайли ҳатто эриш нуқтасига (1728 K) нисбатан пастроқ ҳароратда ҳам рўй беради ва бу температура фарқи қуйидагича аниқланади:

$$\Delta T(r) = \frac{2T_M \sigma_{SL}}{\rho_S \Delta H r} \quad (6)$$

бу ерда T_M қаттиқ жисмнинг эриш ҳарорати, σ_{SL} - қаттиқ жисм - суюқлик чегаравий энергияси (адгезияси), ρ_S - қаттиқ жисм зичлиги, ΔH - эриш энтальпияси ва r - заррачанинг радиуси.



14-расм. Термал ва плазма экспериментлари пайтида Ni юпқа плёнкасининг парчаланиши натижасида Ni нанозаррачаларининг (ок) ҳосил бўлиши. Кичик Ni нанозаррачалари (яшил) шаклланишини моделлаштириш асосида тушунтириш. Н атомлари кўк рангда.

Куритиш жараёнида, структура капилляр эффект туфайли осонликча парчаланани ёки бузилади ва буни Плато-Райлей беқарорлиги билан изохлаш мумкин. Ушбу назарияга кўра, цилиндрсимон суюқлик узунлиги (l) $l > 2\pi r$ шартни қониқтирганда парчаланани (узилади), бу ерда r - цилиндрсимон суюқликнинг радиуси. Хусусан, 13-расмнинг 65 пс даги кичик цилиндрсимон (суюқликка ўхшаш) структуранинг радиуси ва узунлиги мос равишда тахминан 0,3 нм ва 3,6 нм ни ташкил қилади ва шунинг учун парчалананиш ҳолати қониқтирилади, яъни у 13-расмнинг 85 пс да кўрсатилганидек узилади.




Бундан ташқари, Ni плёнкасининг парчалананишида ва Ni нанокластерларининг пайдо бўлишида водород плазмасининг роли жуда муҳим эканлиги ва шу сабабли ушбу жараёнларда уни эҳтиёткорлик билан бошқариш зарурлиги аниқланди. Айниқса, тез водородланиш Ni нанозаррачаларининг қўшилишини (яъни, Оствалд суйилтириш қонуни – Ostwald ripening) кечиктириши мумкинлиги аниқланди ва бу нанозаррачаларни таглик (кремний оксиди) сиртида узокроқ сақланишга олиб келади. Ушбу хулоса экспериментал кузатишни, яъни нима учун ультраюпқа Ni плёнкасини парчалананиш жараёнида H₂-плазма қўлланилганда жуда кичик Ni нанозаррачалар ҳосил бўлишини тушунтириб бера олди (14-расм).

Ni нанокластерларидан ташқари Au нанокуб (15a-расм) турли томонларининг ўзгариши эксперимент ва моделлаштириш ёрдамида ўрганилди. Экспериментал равишда нанокубни қиздириш жараёнида унинг углеродланган Au (100) юзаси қисқарсада унинг (111) юзаси ўсиши кузатилган (15б-расм). MD моделлаштириш/ҳисоблашлар бу ҳодисани сирт энергиясини ўзгариши орқали изохлади. Хусусан, турли томонли олтин кристали сирт энергиялари қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$$\gamma = \frac{1}{2A} \left(E_{slab} - \frac{N_{slab}}{N_{bulk}} E_{bulk} \right) \quad (7)$$

бу ерда E_{slab} ва E_{bulk} - мос равишда олтин плитка ва қўймаларининг энергиялари. N_{slab} ва N_{bulk} - мос равишда плитка ва қўймадаги атомлар сони. A - плитка юзаси.

Au томонлари қалинлиги 0,5 нм бўлган юпқа аморф углерод (a-C) қатлами билан ҳам қопланади. Плёнканинг зичлиги 2,4 кг/дм³ атрофида бўлиб, паст зичликли аморф углероднинг экспериментал қийматидан (~2,0 кг/дм³) бироз юқори бўлсада, квант-механик ҳисоб натижаларига (2,0-2,9 кг/дм³) жуда яқин. Олинган аморф углерод плёнкаси графит (фақат sp²-C атомларидан иборат) ва олмос (фақат sp³-C атомларидан иборат) орасидаги структура ва тагликка ётқизилган экспериментал аморф углерод плёнкасига ўхшаш бўлиб, 6% sp²-C, 71% sp²-C ва 23% sp³-C атомларидан иборатдир.



15-расм. (a) Au нанокуб сирт юзаларининг ўзгариши: (b) экспериментал баҳолаш ва (c) уни сирт энергиялари орқали тушунтириш

Аморф углерод билан қопланган Au томонларининг сирт энергиялари қуйидагича ҳисобланади:

$$\gamma_a = \frac{1}{A} \left(E_{slab} - \frac{N_{slab}}{N_{bulk}} E_{bulk} \right) - \gamma \quad (8)$$

бу ерда E_{slab} ва E_{bulk} - мос равишда олтин қуйма ва плиткаларининг (a -C плёнканинг энергиясидан ташқари) энергиялари. γ - (7) формула орқали ҳисоблаб топиладиган углеродсиз Au плитканинг сирт энергияси.


15с-расмда 0 К, 300 К, 600 К ва 900 К ҳароратларда тоза (ёпиқ тўртбурчакли чизиқлар) ва a -C билан қопланган (ёпиқ доирали чизиқлар) Au(100), Au(110) ва Au(111) томонлар учун ҳисобланган сирт энергиялари кўрсатилаяпти. 0 К да тоза Au(100), Au(110) ва Au(111) томонлар учунда сирт энергиялари мос равишда 1,27 Ж/нм², 1,21 Ж/нм² and 1,06 Ж/нм² га тенг бўлиб, сирт энергиясининг бу тартибда ўзгариши ҳам эксперимент ҳам MD/DFT натижалари билан мос келади (яъни, $\gamma(110) > \gamma(100) > \gamma(111)$).

Ундан ташқари, (111) томон учун сирт энергияси қиймати 1,1-1,5 Ж/нм² оралиқда бўлган экспериментал қийматларга жуда яқин. Натижалар шунга далолат қилаяптики, тоза томонлар сирт энергияси Au нинг эриш нуктасидан (~1350 К) паст бўлган ҳолларда ҳароратга боғлиқ эмас, яъни, $\gamma(ijk) (T < T_{erish}) = const$. Қачонки Au томони a -C билан қопланса, сиртнинг ғадир-будурлигининг ошиши натижасида сирт энергиялари сезиларли даражада ошади, яъни, ($\gamma(ijk) < \gamma_a(ijk)$). Натижалар Au(111)- a -C структурасининг сирт энергияси унинг тоза ҳолатидаги энергиясидан каттароқ (2,5 марта атрофида) эканлигини кўрсатсада, бу сирт ўз энергиясини каттароқ ҳароратларда ҳам сақлай олиш мумкинлигини кўриш мумкин, яъни, $\gamma_a(111) (T < T_{erish}) \approx const$. Лекин, a -C билан қопланган бошқа томонлар эса ҳарорат ошиши билан ўзларининг барқарорлигини йўқота бошлайди. Au(100)- a -C структурасининг хона ҳароратидаги барқарорлигини, яъни, $\gamma_a(100) (T \leq 300K) \approx const$ эканлигини ҳисобга олмаганда, унинг сирт энергияси сирт ҳарорати кўтарилиши билан аста-секин оша бошлайди. a -C ли Au(110) структура сирт энергияси қиймати 0 К да Au(100)- a -C нинг сирт энергиясига жуда яқин бўлсада, бу сирт энергияси Au нинг ҳамма томонлари ичида энг катта ўзгаришга учрашини кўриш мумкин. Умуман олганда, ушбу натижалар юқорида айтиб ўтилган экспериментал кузатишни тушунтирб бера олади. Бундан ташқари, нанокубнинг (111) юзаси барқарорлиги туфайли паст ҳароратларда бошқа сиртларга қараганда графеннинг каталитик ўсиши учун қулай сирт эканлиги аниқланди.

Ва ниҳоят, юқорида тилга олинган нанокатализ зарралари учун таглик материал, яъни аморф силика (a -SiO₂) плёнкаси тадқиқ қилинди. Хусусан, a -SiO₂ олиш учун, кремний сиртининг нано-оксидлаш механизмлари назарий ва экспериментал равишда ўрганилди.

Афсуски, SiO₂ нинг Si кристал сиртида анъанавий термал ўстириш юқори ҳароратда кислороднинг юқори диффузияланиши ёки паст ҳароратда

ёпишиш қобилиятининг пастлиги туфайли юқори сифатли ультраюпқа оксид қатламини олишга имкон бермайди. Бу тўсиқдан ўтиш йўли сифатида паст (хона) ҳароратларда ҳам ишлайдиган икки ғоя (усул) илгари сурилди: (i) сиртни гипертермал энергияли кислород билан оксидлаш ва (ii) эгри сиртларни термал ёки плазма-ёрдамида оксидлаш.



16-расм. Аморф силика ($a\text{-SiO}_2$) қалинлигининг учта ўсиш параметрларига боғлиқлиги.

Ушбу ишда, бу танланган икки оксидлаш усули ҳамда ультраюпқа (< 2 нм) SiO_2 нинг ҳосил бўлиш жараёнлари атомар даражадаги моделлаштириш усуллари орқали атрофлича ўрганилди ва натижалар термал ва гипертермал оксидлашга асосланган эксперимент натижалари ҳамда термал оксидлашнинг машҳур моделлари, жумладан, Деал-Гроув, Кабрера-Мотт ва Као моделлари, ва бошқа муқобил механизмлар натижалари билан таққосланди. Si сиртини гипертермал энергиялар орқали оксидлаш ҳамда сиртни кучли

шикастланишининг олдини олиш мақсадида кислороднинг сиртга тушиш энергияси 1-5 эВ доирасида танланди. Гипертермал оксидлаш механизми анъанавий термал оксидлашда кузатилмаган ва аллақачон мавжуд бўлган моделларда назарий жиҳатдан ҳам қаралмаган икки хил ўсиш режими борлигини кўрсатди. Бу ўсиш режимларида ҳосил бўлган оксид қатламнинг қалинлиги (1) бўсаға ҳароратидан ($T_6 = 600$ K) паст бўлган ҳолларда кислороднинг кинетик энергиясига ёки (2) бўсаға ҳароратидан юқори ҳолларда кислороднинг сиртга тушиш энергиясига ва сирт ҳароратига боғлиқ бўлиши аниқланди. $T < T_6$ ҳолларда, SiO_x зонадаги чегара механик кучланишининг ортиши туфайли кислород ҳаракатчанлиги (диффузияланиши) сезиларли даражада пасайиши ултраюпқа α - SiO_2 оксид қатламини бошқариш имконини беради. Муқобил сифатида, ултраюпқа аморф оксиднинг бошқариш кремний наносимини термал ёки плазма-ёрдамидаги оксидлаш орқали бўлиши мумкин. Паст температурали ўз-ўзини чекловчи оксидлаш орқали юқори сирт эгрилиги ва c - $Si|a$ - SiO_2 чегарадаги ҳароратга боғлиқ (механик) кучланиш туфайли қисман оксидланган наноструктуралар олинади.

Иккала оксидланиш ҳолларида ҳам энергия ва ҳарорат эффектларидан ташқари кислородли зарранинг тури ва уларнинг оқимини ўзгартириш оксид қатлам қалинлигига таъсир этиши мумкин. Олинган оксид қатлам аморф бўлиши билан бирга унда термал оксидлашга доир экспериментда ҳам кузатилган O-пероксид ва Si-эпоксид боғлари мавжуд эканлиги аниқланди.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари α - SiO_2 нинг ултраюпқа қалинлигини бошқариш оксидант (оксидловчи) энергиясини, ўсиш ҳарорати ва сирт эгрилиги даражасини аниқ танлаш орқали бўлишини кўрсатди (16-расм).

ХУЛОСАЛАР

Фундаментал тадқиқот натижалари асосида компьютерда моделлаштириш янги углерод наноструктураларининг бошқариладиган селектив синтезини ўрганиш учун асосий йўналишларидан бири эканлиги кўрсатилган. Хусусан, моделлаштириш асосидаги изланишлардан қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

1. Углеродли газнинг эҳтиёткорлик билан танланиши афзал углерод ҳиссадорларини ўсаётган найчага танлаб қўшиш ва натижада бошқариладиган УНН девори, диаметри ва хираллигини бошқаришда ҳисса қўшиш имконини бериши аниқланди.

2. Водородсизланиш даражасини характерлаш учун киритилган k -коэффициент углеводород C_xH_y молекулалари ёрдамида УНН ўсишининг илк босқичларини ажратишда ёрдам бериши аниқланди. Ундан ташқари, нанонай ўсиш тезлигининг ва ундаги қават (девор)лар сонининг ушбу коэффициентга тесқари боғлиқлиги кўрсатиб берилди.

3. БҚНН қопқоғи ёки мурғак найча тўлиқ (кимёвий) йўқ қилинишидан олдин, турли оралиқ углерод наноструктураларига, шу жумладан углеродли қафасга (ёки фуллеренга), наноқатламга (ёки графенга) ёки полиин занжирига (ёки карбинга) айланади.

4. γ -бурчак (орто HC-CN боғ ва нанонайча хираллик вектори орасидаги бурчак) нанонайча эгрилиги даражаси ва унинг электрон хусусиятига қўшимча равишда киритилган катталиқ бўлиб, H_2 -плазмасида маълум хиралликли БҚНН ларнинг танлаб кимёвий йўқотишнинг илк қадамини тушунтириш имконини бериши аниқланди. Ундан ташқари, яримўтказгич БҚНН ларни танлаб йўқотиш эҳтимоллиги γ -бурчакка боғлиқлиги илк бор моделлаштириш орқали кўрсатилди ва бу боғлиқлик эксперимент томонидан тасдиқланди.

5. Капсулаланган ва металланган нанонайча ёки нанолентанинг селектив ўсиши мос равишда катализатор ёки углерод газининг улар орасидаги рақобатдаги устунлиги билан аниқланиши кўрсатиб берилди.

6. Ni билан чегараланган карбиннинг электрон хусусиятини занжир бўйлаб H атомлари концентрациясини ўзгартирган ҳолда бошқариш мумкинлиги асослаб берилди. Хусусан, карбиндаги водород концентрациясини ортиб бориши унинг тақиқланган зона кенглигини камайишига сабаб бўлади.

7. Металсиз капсулаланган углерод наноструктуралар металл наноструктураларга нисбатан барқарор эканлигин аниқланди. Шунинг учун, металл наноструктураларни оксидлаш орқали уларни метал атомлардан озод қилиш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

8. Водородлаш H_2 -плазмада ультраюпқа Ni плёнканинг парчаланиши туфайли ҳосил бўлган катализатор нанозарраларининг ҳажмини сақлашда ёрдам бериши кўрсатиб берилди.

9. Аморф силика $\alpha\text{-SiO}_2$ каби катализатор таглигининг ультраюпқа қалинлигини бошқариш оксидант энергиясини, ўсиш ҳарорати ва сирт эгрилиги даражасини аниқ танлаш орқали бўлиши мумкинлиги кўрсатилди.

10. Моделлаштириш натижалари асосида кўпгина муҳим экспериментал кузатувларни талқин қилиниши углерод наноструктураларининг селектив синтезига доир назария ва эксперимент орасидаги бўшлиқнинг сезилари даражада қисқаришига олиб келди. Хусусан: (i) БҚНН ўсишининг илк босқичларидаги оралиқ углерод структуралари; (ii) C_xH_y асосидаги УНН ўсишида паст ва юқори ўсиш суръатлари; (iii) кам деворли УНН ларнинг ўсишининг илк босқичлари; (iv) БҚНН ва ИҚНН ўсишида углеродли газнинг роли; (v) найча диаметрининг углерод газига боғлиқ равишда торайиш ва кенгайиши; (vi) БҚНН ўсишининг ўз-ўзидан тўхташи; (vii) УНН сиртининг водород атомлари билан максимал қопланиш даражаси; (viii) H_2 плазмаси ёрдамида металл БҚНН ларини афзал ва ярим ўтказгичли БҚНН ларнинг танлаб (кимёвий) йўқотилиши; (ix) H_2 плазмаси ёрдамида бир хил ва жуда кичик Ni нанозарраларининг ҳосил бўлиши; (x) углеродли Au нанокуб томонларининг морфологик жиҳатдан ўзгариши; (xi) ўсиш ҳарорати ортиши

билан Si ва SiO₂ орасидаги интерфейснинг кенгайиши ва бошқа экспериментал кузатишлар натижалари тушунтирилди.

Умуман олганда, эксперимент ва компьютерда моделлаштириш орасидаги ҳамкорлик углерод наноструктураларига асосланган янги авлод қурилмаларини яратилишига ва уларнинг такомиллашишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, материалшунослик, молекуляр физика, электроника ва асбобсозлик соҳаларида сезиларли силжишга сабаб бўлади.

**SCIENTIFIC COUNCIL No. DSc.02/30.12.2019.FM.65.01
ON AWARD OF SCIENTIFIC DEGREES AT THE INSTITUTE
OF ION-PLASMA AND LASER TECHNOLOGIES**

**UNIVERSITY OF ANTWERP (BELGIUM)
INSTITUTE OF ION-PLASMA AND LASER TECHNOLOGIES**

KHALILOV UMEDJON BOYMAMATOVICH

**SELECTIVE SYNTHESIS OF CARBON NANOSTRUCTURES
AT THE MOLECULAR LEVEL**

**01.04.03 – Molecular physics and thermal physics
(physical and mathematical sciences)**

PRESENTATION

**for obtaining the degree of Doctor of Physical and Mathematical Sciences (DSc)
on the basis of articles published in scientific journals with an impact factor of 1.0 and
higher, and included in the international scientific databases
(without defending a dissertation)**

(the degree of Doctor of Philosophy (PhD) was obtained in 2013)

TASHKENT - ANTWERP – 2020

The title of the research (DSc) has been registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2020.3.DSc/FM159.

The work was carried out at the University of Antwerp and the Institute of Ion-Plasma and Laser Technologies.

Scientific consultant:

Mirzaev Sirojiddin Zaynievich

DSc in physics and mathematics, professor

Official opponents:

Bakhramov Sagdulla Abdullayevich

DSc in physics and mathematics, professor, academician

Kutliev Uchkun Otaboyevich

DSc in physics and mathematics

Yasushi Shibuta

professor, The University of Tokyo (Japan)

Leading organization:

PHYSICAL-TECHNICAL INSTITUTE, ASUz

The presentation will take place on « 02 » 22 2020 at 14:00 at the meeting of the Scientific Council No. DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 at the Institute of Ion-Plasma and Laser Technologies (address: Durmon Road 33, 100125 Tashkent, Uzbekistan, Phone: (99871) 262-42-54, e-mail: info@iplt.uz.).



Kh.B. Ashurov

Chairman of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees

DSc Thech, professor

I.D. Yadgarov

Scientific Secretary of the Scientific Council
on Award of Scientific Degrees

DSc in physics and mathematics

B.E. Umirzakov

Chairman of scientific seminar under scientific council
on award of scientific degrees

DSc in physics and mathematics, professor

INTRODUCTION (description of the presentation)

The necessity and relevance of the topic. One of the most relevant problems of condensed matter physics and material science is the obtaining new carbon nanomaterials with unique properties, as well as finding routes its achievement during synthesis. Because, experimentally studied physical and chemical characteristics of carbon nanostructures, such as strongest mechanical strength, highest thermal conductivity, extraordinary electrical conductivity, room temperature ballistic quantum conductance significantly increase the worldwide commercial interest.

Since nanostructures consisting of carbon nanostructures with such unique properties are considered to be the main alternative to traditional silicon-based microstructures and devices, special attention is paid to research on selective synthesis of these structures at the molecular level in the world. While experimental methods provide information a wide variety of processes, including nucleation, catalysis, adsorption, phase transitions, etc., occurring during the formation of the structure, the obtaining information about the key intermediate processes in the synthesis stages take place on the nanosecond time scale is still not fully accessible. Therefore, computer simulation techniques are being currently tried to use simultaneously with experimental methods. Simulation of the synthesis of nanoscale structures is widely used for a detailed understanding of the nature of unusual processes during the nucleation and growth of nanostructures. Due to simulation results, the formation criteria for some carbon nanostructures (CNS) such as graphene and carbon nanotube (CNT) were found. While such techniques successfully interpreted some experimental observations and elucidated underlying synthesis mechanisms, there remains a gap between simulations and experiments concerning the manipulation of selective synthesis. In order to reduce this gap, many of the world's leading scientific groups are now working on experimental and simulation collaborations on many topical issues, including the selective synthesis of carbon nanostructures such as carbon nanotubes, graphene nanoribbons and carbynes.

Although the Republic of Uzbekistan pays special attention to such cooperation-based research in the fields of materials science, electronics and molecular physics, the research on the selective synthesis of nanostructures is at an early stage. It is thus expedient to expand a research in young and promising fields such as physics and chemistry of nanoparticle as well as the computer simulation of physical and chemical processes. In particular, one of the key tasks of the device manufacturing based on tomorrow's nanotechnology is to develop our knowledge on the management of the synthesis of various carbon nanostructures and pass the obtained experience on to our young generation. These fundamental researches play an important role in the development of science in our country. The doctoral research serves to fulfil to some extent the tasks stipulated in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No PF-4947 "On the Strategy of Actions for the five priority areas of the Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" and the Resolution No. PP-2789 dated February 17, 2017 "On

measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, the organization, management and funding of research" as well as in other normative and legal documents adopted in this field.

Compliance of the research with the priority directions of the development of science and technology in the country. This research was carried out in the framework of the priority directions of the development of science and technology of the Republic of Uzbekistan: F.2. "Physics, astronomy, energy and mechanical engineering" III. Energy, energy saving, instrumentation, modern electronics, microelectronics, electronic equipment.

International context of the research². Over the world, numerous advanced research groups and centers, including Rice University, Massachusetts Institute of Technology and Texas A&M University (United States), University of Cambridge and University of Manchester (U.K.), The University of Tokyo, AIST, Waseda University and Tohoku University (Japan), CNRS (France), Aalto University School of Science (Finland), Peking University (China), CSIRO (Australia), Karlsruhe Institute of Technology (Germany), Université Catholique de Louvain (Belgium), University of Vienna (Austria), Nanyang Technological University (Singapore), Skolkovo Institute of Science and Technology (Russia) are actively working on the synthesis of carbon nanostructures.

In the world, the following scientific results were obtained according to scientific research on the synthesis of carbon nanostructures: the control of the growth of single-wall carbon nanotubes (SWNTs), catalyst design for the selective growth, SWNTs growth by pre-designed nanocarbon segments, computer simulations of SWNT growth, SWNT base-growth, vertical-aligned SWNTs, the effect of feedstock chemistry, the growth mechanism of graphene, high-yield synthesis of metallofullerene, metal-nanowire and graphene nanoribbon peapods, etc.

In the world, research on the synthesis of carbon nanostructures is carried out in the following priority directions: nanotube and other two-dimension material synthesis and processing, the synthesis of diamond and diamond related materials, endohedral synthesis of novel carbon nanostructures, plasma-based control of nanoparticle formation, etc.

Current state of research on the topic. Property of carbon nanostructure strongly depends on its geometry. However, precise control over the structures is still lacking, in part due the limited understanding of the growth process. Especially, a thorough knowledge of all intermediate processes taking place in nanoseconds, which is difficult to obtain experimentally, is critical. Consequently, a variety of computational techniques have been applied to gain complementary information on various effects and all these have contributed to unravelling and explaining experimental observations. Especially, the dislocation theory proposed by F. Ding, B. Yakobson *et al.* and thermodynamic model for the SWNT growth developed by Y. Magnin, C. Bichara, H. Amara *et al.* significantly improved our understandings

² The review of the current state of research on the topic is based on R. Rao *et al.* ACS Nano 2018, 12, 11756; H. Shinohara *Jpn. J. Appl. Phys.* 2018, 57 020101; A. C. Ferrari *et al.* Nanoscale, 2015, 7, 4598.

on chirality-controlled nanotube growth. Nevertheless, the feedstock-dependent growth picture is not entirely clear yet. Despite the fact that the vast majority of experiments use hydrocarbon molecule, most simulations, so far, considered pure carbon as a feedstock, assuming that the non-carbon species (e.g., H₂, H₂O, etc.) play little or no role of importance in CNT growth. Therefore, the feedstock effect was mainly considered in the second part of the work to unravel its precise role in the selective CNT growth.

Alternatively, selective etching (removal) allows for obtaining carbon nanotubes with a specific chirality. In general, conventional CNT film contains approximately 2/3 semiconductor SWNTs and 1/3 metallic SWNTs. Plasma-assisted etching has demonstrated its ability on the separation of metallic tubes from their semiconducting counterparts. In particular, G. Zhang, H. Dai and co-workers presented selective etching of metallic nanotubes by CH₄ plasma, retaining the semiconducting nanotubes in a near-pristine form. On the other hand, A. R. Harutyunyan, D. Zakharov and co-workers introduced a preferential growth of SWNTs with metallic conductivity. However, despite considerable experimental progresses, the understanding the reason of selectivity as well as underlying nanoscale mechanisms of the etching onset, still remain elusive. Therefore, this problem was addressed in the third part of the work.

Another option for obtaining nanostructures with desirable geometry is the endohedral synthesis. Specifically, the possibility of confinement effects inside a carbon nanotube provides new application opportunities, e.g., growth of novel carbon nanostructures with controllable properties. Indeed, experimental synthesis (by H. Shinohara and others) of carbon peapods (i.e., encapsulated C₆₀ fullerenes inside SWNT) so-called C₆₀@SWNT has initiated the extensive exploration of a new physics and chemistry within the nanosized hollow container. While various encapsulated carbon nanostructures are successfully being synthesized using this technique, the understanding the synergistic (collective) role of catalyst and feedstock for the synthesis of encapsulated nanostructures, is still elusive. Consequently, their combined effect on the structure control was discussed in the fourth part of the work.

The choice of catalyst and its support is also important to effectively manage the synthesis of selective carbon nanostructures. In particular, the selective synthesis of CNT with certain chirality is being shown by the careful choice of catalyst&support. So far, however, the nature of the catalyst nanoparticle formation process by plasma as well as their precise role are not fully understood. Therefore, these problems were studied in the fifth part of the work.

Connection of the research topic with the research activities of the research institution. The research activities of the author were carried out mainly in the framework of the following postdoctoral research projects funded by the Research Foundation-Flanders (FWO) (<https://www.fwo.be/>): 12M1315N “Computer simulations of gold-catalyzed growth of carbon nanotubes at the atomic scale” (2014-2017, University of Antwerp, Belgium) and 12M1318N “Long time scale dynamics of carbon nanostructure growth” (2017-2020, University of Antwerp, Belgium).

